
Наврўз умумхалқ байрамига катта тадорик кўрилмоқда

"Ҳар кунинг Наврўз бўлсин, жонажон юртим!" шиори остида ўтажак бу йилги байрам тадбирига Риштон туманида ҳам қизғин тадорик кўрилмоқда.

Хусусан, байрам сайли ва асосий тадбирлар ўтказилиши белгиланган "Марказий" ўйингоҳ кун сайин чирой очиб бораётир. Тадбирда юртдошларимиз кўнглига баҳорий илиқлик улашишни ният қилган бадиий жамоалар эса ижодий изланишда.

Туман Маданият ва туризм бўлими раҳбари Анваржон Ҳамдамовнинг маълум қилишича, "бу йилги байрам тадбири мутлақо ўзгача бўлади".

- Чиндан ҳам шундай! Чунки шу вақтга қадар туманда бирор бир тадбир 200 нафардан зиёд кишини ўзида жамлаган ижодий гуруҳ иштирокида ўтган эмас. Гуруҳимиз таркибида боғча тарбияланувчилари, ижодкор ўқувчилар, спортчилар, чолғу, рақс ва фольклор жамоалари, яккахон хонандалар, элимиз суйган санъаткорлар бор. Барчамиз тумандошларимиз ва меҳмонларга унутилмас завқ-шавқ улашиш учун астойдил ишляяпмиз, - дейди А. Ҳамдамов.

Эслатиб ўтамиз, туманда Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан халқ сайли ва тантанали тадбир 18 март санасига (10:00 дан) белгиланган.

Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-03-17 13:33:24